

УДК 631.41.42.

**СИДЕРАТ ЖАВДАР ВА ХАНТАЛДАН КЕЙИН МОШ ЭКИНИНИНГ  
ЎСИБ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ***Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институт.**Таянч докторант: Д.Н.Бекназаров*

**Аннотация:** Сидерат экинидан кейин экилган мош экинининг ўсиб рувожланиш даврининг ўсиш, шохлаш, гуллаш, дуккаклашда ўсимликнинг ҳосилдорлигига ижобий таъсирни курсатиш.

**Калит сўзлари:** Сидерат, жавдар, хантал, асосий мош экини, ўсиши, чин барг, тўрт беш барг, шохлаш, гуллаш, дуккаклаш, пишиш.

**Аннотация:** Показать положительное влияние на продуктивность растения в период роста, ветвления, цветения, коробления культуры мальвы, посаженной после культуры сидерата.

**Ключевые слова:** Сидерат, рожь, горчица, основная кормовая культура, рост, настоящий лист, четырех-пятилистный, ветвление, цветение, коробление, созревание.

**Annotation:** Pokazat pojitelnoe vliyanie na productivity rasteniya v period rosta, vetvleniya, tsveteniya, koroblenia kultury malvy, posajennoy posle kultury siderata.

**Key words:** siderat, roj, mustard, basic feed culture, rost, nastoyashchi list, chetyrex-pyatilistny, vetvlenie, tsvetenie, koroblenie, sozrevanie.

**Кириш.** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти. Сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Тўлақонли овқатланиш кўп жиҳатдан унинг таркибига, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини инсоннинг нормал ривожланиши ва фаолият юритиши, унинг организмида тўғри модда алмашинуви, саломатликни мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, кексайиш жараёнини секинлаштириш ва умрни узайтириш учун зарур бўладиган тўйимли ва сифатли моддалар билан керакли даражада таъминланишига боғлиқ. Ана шу фойдали моддалар, витамин ва микроэлементлар катта миқдорда фақатгина дуккакли-дон экинлар: мош, соя, ловия таркибида бўлади ва уларнинг ўрнини бошқа ҳеч қандай маҳсулот боса олмайди.

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг Қарши тумани С.Рахимов ҳудудида жойлашган дала тажриба майдонида асосий экин сифатида экилган мошнинг дурдона нави уруғи 15 апрель куни экилди. Ўтказилган фенологик кузатишлар натижасига кўра, барча вариантларда 7 кунда уруғ тўлиқ униб чиқиши кузатилган бўлса, унишдан чинбарг давригача 7-8 кунни, шохлашгача 27-28 кун, гуллашгача 55-56 кунни ташкил қилганлиги кузатилди.

Лекин мошнинг ўсув даврига иқлим шароитлари (ҳарорат, намлик) катта таъсир қилиб, ўсув даврини 10-20 кунгача узайтириши мумкин. Мош асосан қисқа кунли ўсимлик ҳисобланиб, ёзда анғизда экилганда ниҳолларнинг униб чиқиши ва ўсув кунлари қисқаради. Мош асосан 6-7 бўғим оралиғидан гуллай бошлаб, гули дастлаб юқори томонга кўтарилиб боради ва кейинчалик пастга тушади. Мошнинг бош поясидан аввал биринчи тартиб шохлар ўсиб чиқади, сўнгра иккинчи тартиб шохлар ўсиб чиқади. Унинг биринчи тартиб шохларигина гуллайди. Навбатлаб экиш амалга оширилган вариантларда мошнинг ўсиб-ривожланиши мақбул бўлди.

**Мошнинг фенологик кузатишлар натижалари (Қарши-2023 й).**

Вариантлар рақами	Ўтмишдош экин	Экин тури	Нав номи	Экиш муддати	Униб чиқиши	Чин барг чиқариш	Кўчат сони, минг дона/га.	Шоначаш муддати	Гуллаш муддати	Дуқкакҳосил қилиш муддати	Пишиш муддати	Ўсув даври , кун	Ўрим муддати кун
1	Назорат:	Мош	Дурдона	15. апр	23.апр	27 апр	90	13 май	11.июн	17июн	07 июль	91	18 июль
2	Сидерат экин хантал			15. апр	23.апр	27 апр	95	12 май	10.июн	17 июн	07 июль	91	18 июль
3	Сидерат экин жавдар			15. апр	23.апр	28 апр	96	12 май	10.июн	18 июн	08 июль	92	19 июль

Мошнинг ўсиш, ривожланиши агротехник жараёнларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлди. Бундан ташқари тупроқ таркибининг органик моддалар билан тўйинганлик даражаси тупроқ структураси ҳам ҳосилдорликка бевосита таъсир этувчи муҳим омилдир. Жорий йилда мошнинг ривожланиши ҳар ойнинг 1-санасида (1.06; 1.07;) қайд қилиб борилди. Ушбу кузатувлар сидерат жавдар, сидерат хантал ва назорат вариантларда олиб борилди. Кузатувларга кўра, сидерат жавдардан кейин экилган мош экинида қолган экинларга нисбатан ўсимлик бўйи, ҳосил шоҳлар сони, ва дуккаклар сони юқори бўлганлиги аниқланди.

**Мошнинг ўсиши ва ривожланиши (Қарши -2023 й).**

Мош экилган майдонларда фенологик кузативлар ҳар бир вариантда 25 та ўсимликга ёрлик илиниб кузатив натижалари олинди. Олиб борилган натижаларига кўра, назорат мош вариантмизда бўйи 56 см ни, ҳосил шоҳлар сони 5дона ни, ҳосил элементлар сони 14 дона ни ташкил қилди. Сидерат жавдар мош

т/р	Вариантлар	Ўтмишдош экин тури	Вариантлар	Нав номи	Мошнинг бўйи.см		Ҳосил шоҳлар	Ҳосил элементлар	Қўчат сони, минг
					1 июн	1 июль	1 июль	1 июль	
1	1	Назорат:	Мош	Дурдона	14,8	56	5	14	90
2	4	Сидерат экин хантал			16,1	63	6	20	95
3	7	Сидерат экин жавдар			15,9	65	7	21	96

ўсимлигида ўсимлик бўйи назорат мошга нисбатан 10 см ни, ҳосил шоҳлар сони 2 та га, дуккаклар сони эса 7 та га кўп бўлганлиги аниқланди. Хантал мош экилган тажриба майдонимиздаги ўсимлик бўйи назорат мошга нисбатан 6 см га, ҳосил шоҳи 1 та га, дуккаклар сони 6 донага юқори бўлди. Жавдар мош экилган майдондаги ўсимликга нисбатан хантал мош ўсимлиги бўйи 2 см га, ҳосил шоҳи 1та га, дуккаклар сони 1 дона га кўп бўлганлиги аниқланди. Бунга сабаби тажриба майдоннинг тупроғи таркибидаги гумус миқдорининг жавдар экилган майдонга нисбатан камлиги учун ўсиб-ривожланшига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

**Хулоса.** Тадқиқот натижаларидан шуни хулоса қилиш жоизки. Кузги сидерат экилган майдонларни эрта баҳорда шудгор қилиш тупроқ унумдорлигини яхшиланишни йилдан йилга ошириш ва сақлаш алмашлаб экишни жорий қилиш кузги сидератдан кейин асосий экин сифатида Мош экиннинг усиб рувожланишда дуккак ва дон сонининг курсатгичларига таъсирни ҳам ўрганишдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Б.М., Холиқов, Намозов Ф.Б. Алмашлаб экишнинг илмий асослари. Тошкент. 2016.
2. Б.Э, Избосаров мўл ҳосил етиштириш. //Ж. Ўзб. Кишлоқ хўжалиги журнали. -2000. 4-5 бетлар.
3. Н.Н, Бахрамова, Ф. Д, Мамадиёров. Тавсиянома Қарши. 2021.